

БОБУРНОМА ҚОМУСИЙ АСАР

“Бобур уйғонини даврининг тили вақили, адабияти, доғираси ва талбир-хор шаҳс бўлган, у санъатин, адабиётини санъат, ҳаёт инфосатидан пазивла-на билган”

Жавоҳирнама Нери

Жалол адабиёти, маданияти ва санъати ҳақиқасини бунёд этган ҳамда бобитида қадимий ва боб тарихига эга бўлган ўзбек халқининг ҳам муносиб ўрин, беқисс ҳиссаси бор. Узоқ тарихий жараён давомида халқимиз дунёда кўплаб аъжойиб илм-фан, санъат ва адабиёт намоёндаларини етказиб берган. Буюк аждодларимиз яратган илмий, бадий, қомусий асарлар неча минг йиллардан буён турли халқлар томонидан мутолаа қилинмоқда, авайлаб эълоз-ланиб, асарлардан-асарларга ўтиб ўйлаб тилларга таржима этилиб моҳир мусаввирлар, наққошларнинг мўйқалами билан зийнатланиб, инсоният тафаккурини бойитиб, одамларга маънавий завқ-шавқ бағишлаб келмоқда.

Булар орасида буюк юртдошимиз: шоир, адиб, саркарда, давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурининг набираси Фарғона мулки ҳокими Умаршайх Мирзонинг ўгли Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари “Бобурнома” алоҳида аҳамиятга эга.

“Бобурнома” Темурийлар даври ўзбек муомтоз насрининг ёрқин намунаси ва XVI аср бошидаги ўзбек адабий тилининг ноҳир ёдгорлигидир. Бобур ўз мемуарини гоҳта оддий, оммабоп услубда, ниҳоятда гўзал ва раво адабий тилда яратган.

“Бобурнома” фақат тарихий асар эмас. Унда ўша даврдаги бир қатор фанлар, жумладан жутрофия, наботот, ҳайвонот, этнография, ҳарбий усул ва бошқаларнинг илмий тотуклари ҳам ўз ифодасини топган. Бобур ўз асарида тоғ ва даралар, қўл ва дарёлар, хилма-хил ўсимликлар ва ҳайвонотлар, турли ҳудуд ва минтақаларнинг ер ости ва ер усти бойликлари, у ерларда ашайдиган халқларнинг урф-одатлари, тили, адабиёти, санъати, айрим сўзларнинг келиб чиқиши каби кўплаб масалалар билан ҳам астойдил кизиқади.

“Бобурнома”да мамлакат ва ўлкалар, шаҳар-қишлоқларнинг сиёсий тарихи билан бирга, табияти, хўжалиги, илм-фани, маданияти ва бошқа жиҳатлари ҳам мукамал тасвирланади.

Ўзининг ана шу фазилатлари билан “Бобурнома” узоқ замонлардан бери бутун дунёда кўплаб соҳа олимларининг диққат этиборини жалб қилиб келди ва улар томонидан юксак баҳоланди.

“Бобурнома”нинг энг қадимги ва мўътабар кўлэмалари XVI асрнинг охириги чорағига мансуб бўлиб уни, Бобурнинг набираси Акбаршоҳ ўз саройида форс тилига таржима қилдириб, сарой кутубхонасида етишган хинд миниатюра санъатининг усталари томонидан ишланган расмлар билан зийнатлатган. Шундай кўлэмаларнинг тўлиқ икки нусхаси Лондондаги Буюк Британия музейи кўлэмалари фонди ҳамда Нью Делидаги миллий музейида сақланмоқда.

“Бобурнома”нинг буюк маълум бўлиши миниатюралар тусида. Британия музейиникилар. Бу кўлэмалар асарининг энг тўлиги бўлиб, миниатюраларни ниҳоятда юксак мақорат билан ишланган.

Ушбу миниатюралар хинд мактабига хос бўлиб Бобурийлар даврининг мақсулдир. Бу мактаб Темурийлар Сафавийлар ва Урта Осиё мактаблари билан михаллий хинд мактаблари азнааналарини ижодий синтези ҳисобланади.

Бобурийлар миниатюра мактабига Бобурнинг ўгли Ҳумоюн ҳукмдорлиги даври (1530-1555 йил)да восе солинди. Ҳумоюн отаси сингари хуш табиатли, гўзалликни, санъатни севувчи ва эълозловчи юксак маданиятли инсон эди. У Сафавийлар ҳукмдорлиги тақлифига кўра Казвин ва Табризда бўлиб, машҳур мусаввирлар Мир Саид Али Табризий ва Хожа Абдусаммад Шерозийларни сарой кутубхонасига тақлиф этган. Улар Ҳумоюн томонидан ташкил этилган миниатюра мактабига йўлбошчилик қилдилар.

Бобурнинг набираси Акбаршоҳ ҳукмдорлиги (1555-1605 йил) даврида хинд миниатюра мактаби анаъна-лари бойиди ва шаҳсан Акбарнинг ташаббуси билан бутун Ҳиндистон шаҳарларидан маҳоратли мусаввирлар сарой кутубхонаси қошида ташкил этилган мактабда Мир Саид Али ва Абдусаммадлардан дарс олдилар. Ҳашаматли кўлэмаларга расм чиздилар.

Бу мактабнинг кўзга кўринган маҳоратли вақили Устод Мансур ҳайвонот дунёсини тасвирлашда беизбир эди. Айнан, “Бобурнома”даги 32та табиат ва ҳайвонот дунёсини акс эттирган миниатюраларнинг кўпчилиги Устод Мансур қаламига мансубдир. Бобурийлар миниатюра санъатининг қимматли жиҳатларидан бири инсон характери, ички рухий дунёсини ифода-ловчи портрет санъатида эски анаъна шартлиликдан қочтидир. Темурийлар ва Сафавийлар мактабининг таъсири хинд миниатюраларининг нақшли ва рангли лавҳалари ва композициясида сақланиб қолган. “Бобурнома”ни безатиш учун Акбаршоҳ 41та йирик санъаткор-мусаввир ва наққошларни жалб қилган. Улар кўлэмаларга 94 та миниатюра ишлаб ҳар бир саҳифани бежирим, нозик ва нафис нақшлар билан бегаганлар. Барча миниатюралардан фақат 21таси ҳарбий юриш ва жанг лавҳаларини ифодаласа, қолган 73таси Ҳиндистоннинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, зиёфат, ов, турмуш манзаралари, тарихий воқеаларни ёрқин ва ишонарли қилиб тасвирлаганлар.

“Бобурнома” миниатюралари реализми, воқеаларнинг жонли берилиши ва ҳаққончилиги билан кишини ҳайратга солади.

Миниатюрочи расомлар китобдаги матн мазмуни билан чекланмасдан, асосий воқеани ташлаб олиб, шу воқеа атрофида барча зарурий тарихий географик, этнографик омилардан ҳам унумли фойдаланганлар. Шу-

лар туғайли қусуқлар ўз даври тили ва ҳаққончилиги билан ўзига хос тарихий

орқали бадиий асарда байи этилган му-раккаб маълум ҳолатларни ифода қилган



кўрсата олганлар.

Шарқ миниатюраларининг шартли-лигидан кичик бир сатҳ, китоб арағи саҳифасида бутун бир воқеани ёки эпизодлар туркумини тасвирлаш зарурати-дан “Бобурнома” расомлари моҳирлик билан фойдаланганлар.

Адабий ва тасвирий образнинг ҳамоханлигига ўша жамиятнинг энг фозил вақиллари бўлмиш адиблар билан мусаввирларнинг гоҳий эстетик ва ахлоқий тасавурларининг муш-тарақлиги сабаб бўлган. Адабиётда бўлгани каби миниатюра санъатида ҳам инсон образи шартлилик, одо-муомила ва реалистик деталлар билан ифода этилган. Миниатюрадаги шарт-лилик образ яратиш воситаларининг энг муҳими ҳисобланади. Чунки, китобхона асар гоҳини ҳиссиётлари билан эмас, фаросат орқали тушуниб ета-ди. Икки-уч дарахтнинг тасвири китобхонага воқеанинг табиат қўйнида кечаётганини англаш учун кифоя, ёки яккама-якка жанг тасвиридан китоб-хон қўшинлар жангини уқиб олади. Кўпинча мусаввир рамзий белгилар

Масалан; суҳбат қураётганлар ёнида сарв дарахтининг тасвири суҳбатнинг диний, гулбўтгаси ва бўлбул-ишқий мавзуда эканлиги рамзидир.

Миниатюрочи тасвирий санъатига реалистик деталларнинг ишлатилиши миниатюрани безатилаётган матндан ажратди ва уни мусаввир замонасига яқин қилади.

Шарқ адабиёти ва миниатюраси ўрта аср кўлэма китоб санъати шоҳ асарларида ўз ифодасини топган сўз ва тасвирнинг узвий синтези тарзида жаҳон маданиятига қўшилган бебаҳо ҳиссадир.

“Бобурнома” расмлари ўзининг фавкулотда бадий, тарихий ва маърифий қиммати билан бир қаторда Акбаршоҳ ҳукмдорлиги даврида Бобурийлар яратган бадий мероснинг бир намунаси.

Қорёғди ЖУМАЕВ, БДУ доценти, санъатшунослик фанлари номзоди. Вилоят ТЎҚСОНОВА, БДУ санъатшунослик факультети Тасвирий ва амалий санъат кафедраси катта ўқитувчиси.